







• Абдулла Қодирийнинг 100 йиллиги олдида

# ОТАЛАР МАДҲИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги, буюк бобокалонимиз Мирзо Улугбекнинг 600 йиллиги, машҳур адиб Абдулла Қодирийнинг 100 йиллиги тантаналари борган сари яқинлашиб келмоқда. Ижодий жамоаларда, уюшмаларда қатор тадбирлар белгиланмоқда, ўтказилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби Тўра Мирзо уюшма фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

— Мустақиллигимизнинг уч йиллиги муборак байрамда барча ёзувчи ва шoirлар фаол иштирок этадилар. Жумладан, шаҳримиздаги ҳар бир маҳаллада, ҳар бир даҳада кизгин ижодий учрашувлар ўтказиш мўлжалланган. Бу тадбирлар кўп жойларда

## • Ижодий уюшмаларда МУШОИРА МУШОИРАГА УЛАНАДИ

бошланиб кетди. Кунги кеча Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одиб Ёқубов, истеъдодли адиблар Хожиакбар Шайхов, Хуршид Давронлар Паркент туманида Мирзо Улугбекнинг 600 йиллигига бағишланган тадбирда қатнашдилар. Ушбу кеча гарчанд Улугбекга аталган бўлса ҳам унда Ватан, унинг мустақиллиги, Ватанни севиш туйғулари жо бўлган шеърлар янгради.

Шунингдек, республикамизнинг барча вилоятларида катта мушоира оқшомлари ўтказилди. Август ойда Ёзувчилар уюшмасида мустақиллигининг уч йиллигига бағишланган катта тадбир ўтказиш режалаштирилган. Ўзбек халқининг фахри бўлган соҳибқирон Амир Темур хайкали ёнида, ҳазрат Алишер Навоийнинг едгорлиги пойида, Мирзо Улугбекнинг хайкали теварағида учрашувлар жўшқин ўтиши кутилмоқда.

Ҳассос ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг 100 йиллиги айниқса кенг нишонланади. Истиқлолимизнинг илк қурбонларидан бири бўлган Абдулла Қодирий хозиргача шаҳримиздаги, нафақат шаҳримиз, балки вилоятларимиздаги барча мактабларга, маҳаллаларга ўзининг оташин нафаси билан ташриф буюрди.

Шу кеча-қундузда атоқли ижодкорлардан тортиб қўлга энди қалам олган бошловчи адибларгача мустақилликка бағишлаб ўз дилидаги эзгу ниятларини қозғашга тушиморлар.

Ҳолиб МИРЗО ёзиб олди.

АБДУЛЛА Қодирий асарларини ўқиб экансиз, улардан озодлик, ҳурлик, эркинлик нафаси уфурлади. Ана шундай буюк эркин замон асраб қололмади. Аммо ул табарруқ зот элини, халқини озодликка чиқишни эркинлик шабадалари эсишини биларди. Биз ушбу машқимизда буюк бобокалонимиз ақли қайноқ қариялар, фарзандлар собонин ҳисобланмиш оталар ҳақидаги қарашдан чиндимини ҳурматли ўқувчилар ҳўқимига ҳавола этмоқчимиз.

Одамлар кексайган, ақли пишиб фикр-мулоҳазалари вазиинлашиб тўғри маслаҳат берадилар. Уларнинг ўғитлари, маслаҳатлари, насихатлари эзгуликка, аҳлиқиликка, оқибатликка олиб борувчи омил ҳамадир. Абдулла Қодирий ушбу масаланинг қариялар, оталар образининг жуда кўп ибратли томонини қойилмақом қилиб тасвирлаганлар, маҳорат билан куйлаганлар.

Ўзбек одобининг асосчилари ва таянчлари бўлмиш ота-боболаримизнинг ақл чирогини тарбиявийлиги буюк ва бетакрордир. Адибнинг шох асари бўлмиш "Ўтган кунлар" романидаги Юсуфбек ҳожи, Мирзақарим қутидор, Ҳасаналиларнинг ҳар бири сўзидан сермаъно ўғит булдоқ оқади. Улар ҳақиқий бизнинг ота-боболаримиз тинимсиздир. Шунинг учун ўзбек одоби мазмуни маъноли, барҳаёт ва яшовчандир.

Асарлардан-асрларга опинчилик ўтилган, ўтиниш синовларига бардош берган одоб дурдоналари ҳаётини, халқчил булганлиги учун ҳам яшовчан, ҳам чиндилар.

Юсуфбек ҳожи Отабекнинг иккинчи бор уйланишга ундаётган пайтдаги оғир, ўнағисиз шароитда ҳам оқиллик билан иш тутганлигига қойил қоламиз. Ўзбек ойимининг кистовлари билан ҳожи ҳам ушбу ишга рози бўлди. Аммо уни, яъни елғиз ўғлини икки хотинлик бўлишини ҳеч ҳам хоҳламаган эди.

Аммо ҳаёт ҳаётлигини қилиб, тақдир ҳожини ҳам, Отабекнинг ўзини ҳам ушбу қўнғилсиз ишга мажбур этди. Шунда ҳожи ўғлига "Бизнинг онадан нафасисизлик

чиқиши маъқул кўринмайди" дейди. Лафаъ, виждон, йймон бизнинг ўзбекилимиздир, азизлар. Йймон ҳамма нарсадан устуи қўйилган ва айни вақтда ота-боболаримиз унинг мусофоллиги учун, тазалиги учун курашганлар.

Ўзбек урф-одатлари, унинг ахлоқий мажмуаларида кудачлик, келинлик-қиз, кувини ўғил деб аташ берилган. Юсуфбек ҳожининг келинларига "ойим" деб мурожаат қилиши ўқувчини ҳаяжонлантиради. Мирзақарим қутидор образи Абдулла Қодирийнинг яна бир кашфиётидир. Қутидорнинг энг хафа бўлган пайти Отабекнинг иккинчи бор уйланишдан кейин унинг оstonасидаги пайти бўлса керак. Ҳомидининг бузғунчилиги

Абдулла Қодирий қаҳрамони ҳар қандай шароитда ҳам инсон бўлиб қолади. Иккинчи томондан, Абдулла Қодирий қаҳрамонининг ўта андишали эканлигини таъкидлаган. Ушбу ҳолатлар бизнинг миллийлигимизнинг мевасидир.

Халқимизда қуда аччиқланган пайтда ҳам ўзини бошиш хислати-устун бўлган. Бундай хулқ-аъво бир кунда пайдо бўлгани йўқ, бир пасда ҳам тугилавермайди. Аксинча, асрлар, минг йиллар қозонида қайнаб, ҳаёт-турмуш синовларидан ўтган ўзбекиим одобидир бу. Сайқаланиб, жилволаниб, маъно ва мазмуни тўлиб, қонига, жонига синган



кўп асарлардан буюн сайқаланиб келинган. Ушбу удумлр ҳам аллома ижодига ўзгача рангда тасвирланган. Унинг янги қирралари кашф этилган. Мана, Мирзақарим қутидорнинг қувв ҳақидаги сўзларига эътибор беринг: "Отабек каби бир йигитни ўғил қилиш шарафига ноил бўла олам ўзини энг бахтли ота санар эдим". Бу жойда муаллиф бош қаҳрамонни мактамоқчи, унинг баркамоллигини таъкидламоқчи эмас, балки шарофатли урлуқларимизнинг боқийлигини тараннум этаётли. Келин — қизига, кув — ўғлига айлиб қолиш масаласи ҳам Абдулла Қодирийда жуда зийраклик билан ҳал қилиб

натijasида қалбаки "талоқ хати"дан кейини жараёндир. Қутидор ҳайто ўлимга ҳўқм қилинган пайтда ҳам бунчалик аччиқланмаган, ҳаяжонланмаган эди. Худди шу жойда Абдулла Қодирий бизнинг ўзбекилимизнинг ўзига ҳос томонларидан бири бўлган боқисизлик қойилмақом қилиб тасвирлайди. Қутидор тирроқ ва ҳаяжонли бир товуш билан "ўятсизга менинг ўйимда ўрин йўқ", "Борингиз, менинг зигиним ёнда тўхтамангиз" дейдики, Қутидорнинг умр мобайнида ишлатган энг ёмон сўзи мана шу "ўятсиздир". Унда қаҳр, газаб жойлашган. Унинг учун сўзинининг олий чўққиси "ўятсиз" деган сўздир.

Абдулла Қодирийнинг ижодида оталарнинг зўқолиги, донолиги қойилмақом қилиб тасвирланган. Улар фарзандларига нафақат таълим, балки йўл кўрсатувчи йўли юлдуз, маслаҳатқўйдир.

МусоқУ ОСМОНОВ, Тошкент молия институтининг тарих кафедраси музир, профессор.

САЙИДХўЖА "Ушшоқ" кўшигини радиода тинглаб, қалбига қўшиқ куйлаш орузи тугилганда эндигина ўн ешга қадам қўйган эди. Миллий мусикани ўрганишга бўлган ҳавас уни мусика мактабига етаклаб келди. Лекин Сайидхўжани бу ердagi тахсиллар унчалик ўзига ром этмади. Чунки мусика мактабидagi бутун тахсиллар Оврўпа усулида олиб борилиб, далабалар ҳам, тахсил бераётган устозлар ҳам миллий куйларимизни маромига етказиб ижро этиша олмас эди. Бундан кўнгли тўлмаган Сайидхўжа қалбидagi бу "кемтиклик" боисини мумтоз мусикамиз сифатида ишга таклиф этишди. Сайидхўжа дастада Берта Давидова, Коммуна Исмоилова сингари кўшиқчилигимизда алоҳида из қолдирган кўшиқчилар куйлаганда жўрвозлиқ қилди. Сайидхўжанинг эндиги орузи фақатгина битта: мумтоз кўшиқларимизга қайтдан, иккинчи ҳаёт бахш этиш. Унинг мумтоз кўшиқларини ичидан энг сеvimлиси "Ушшоқ"дир. "Ушшоқ"ни бутун борлиги, ву-жуди билан ениб куйлайди.

Ҳасан Ражабийдан куйлаш маҳоратини ўрганган Сайидхўжа ҳам устозига муносиб бўлмоқ орузи билан энди, ҳар бир кўшиқка ўзининг қалб кўрини

## • Кўшиқ сеҳри ҲОЛИ ДИЛИМНИ СЎРГУВЧИ ТАНБЎР



даргаларидан бўлмиш Юнус Ражабийнинг фарзанди, танили хофиз Ҳасан Ражабийга айтиди. Уни обдон тинглаган Ҳасан ака мурғак қалбини ларзага солган дардан таъсирланиб, бу санъат шайдосига устозлик қилишни ўз зиммасига олди. Бу таклифни эшитган Сайидхўжанинг хурсандчилигини кўрсангиз эди!

... Мана шунга ҳам талай вақт ўтибди. Ҳасан акадан санъат сирларини ўрганишга киришган Сайидхўжа Тўраҳўжаев Ҳамза номидаги махсус санъат билим юрти миллий мусика бўлимини имтиезли диплом билан тугаллади. Ҳарбий хизматда ҳам у Туркистон ҳарбий округи қошидаги дастага хизматда қолдирибди. Бу ерда унга кўшиқчи Икромжон Бўроновнинг назари тушдигина эмас, унга устозлик ҳам қилди. Янги кўшиқлар, шунинг билан бирга маком кўшиқларини куйлаш сирларини ўргатди.

Ҳа, дарвоқе, унинг отаси Зойидхўжа ака ҳам миллий кўшиқларимизни сеvimгина қолмай, ер-дўстлар даврасида куйлаб ҳам турарди. Балки Сайидхўжадаги миллий мусикага ва кўшиқчилигимизга бўлган ҳавас отасидан ўтандир! Нима бўлганда ҳам Сайидхўжанинг дастлаб сахнада соз чалиб, кўшиқ куйлаганини тинглаш отасига насиб этмади. Унинг жарангли зои Турғун Алиматовдек устозларнинг ҳам эътиборини тортиди. Сайидхўжанинг бу иктидорини юксак баҳолаб, уни республика телерадио компанияси қошидаги Тилаш Ҳўжамбердиев раҳбарлигидаги дастага танбўри

бериб куйлади, сеҳрли овози билан тингловчи наздиқа янги оҳанг, янги услуб яратди... Айниқса танбўр билан кўшиқ ижро этиш кишидан алоҳида маҳорат талаб этади. Чунки танбўр куйловчининг ўзинигина эмас, бутун борлигини куйлатади. Танбўрнинг навоси киши қалби, ички хиссиётлари ва дардига ҳам оҳангдир, куйловчини дилдан ениб қўйлашга ундайди. Танбўр ердимида куйлашни эса у устоз Турғун Алиматовдан ўрганмоқда.

Биз Сайидхўжа Тўраҳўжаевдан устозларингиз қилмал деб сўраганимизда "Дастлабки устозим дадам Зойидхўжа, сўнг Ҳасан акадан тортиб, менга соз тутишу ва бошқа бирон бир маслаҳатини берган кимсан устозим деб биламан", — дея жавоб берди...

— Дарвоқе танбўр бу юракни ўртовчи соз бўлиб, танбўр сўзи ҳам шу маънони биддиҳар экан, — дея хофиз қўлга танбўрнинг олиб куйлашга тутишди: хонанда майин куй оҳанги сузиб, хонанда овозига жўр бўла бошлади. Сиз ҳам кудок тутинг, хонанда Сайидхўжа Тўраҳўжаев кўшиқ куйламоқда. Унинг овози тингловчиларни мафтун этиб янграмоқда:

Ситор деманг ҳоли дилим сўргувчи танбўр.  
Кўнглим греҳин гамларини езувчи танбўр.  
Бир неча рақиблар сўзидан гамзада бўлсам,  
Ҳамлард бўлиб, хоҳишимни сезувчи танбўр.

Ҳайитали ХОЛМИРЗАЕВ.

## ДИЛ ДЎСТИ БОР, ТИЛ ДЎСТИ БОР...

Бор яхшилар, бор ёмонлар элда ҳам, Учрағайдир дўсту душман йўлда ҳам. Тил дўсти бор, дил дўсти бор, англагил, Тилда сезмас сезмас асло дилда ҳам. Жуссага кўп сен ишонма, алдағай, Сичқон кўрса жон қолмағай филда ҳам. Ҳар нарсанинг ўз ўрни бор ҳаётда, Арғамчалик қуваат бордир қилда ҳам. Шакар умринг захарларан гап бирлан,

Ҳаним аҳли оғу ташир тилда ҳам. Туя учун ҳайт деган ҳам кун-қўдрат, Дўста ярар мушкул дамда дамда ҳам. Йймон бирлан инсон тирки дунёда, Имонсарлар томмас қадар элда ҳам. Кўйчанам деб кўп чирман, биродар, Бақалар ҳеч булбул бўлмас қўлда ҳам. Қуёш кўйда, Ой осмонда боқийдир, Табиатнинг сеҳри сирли селда ҳам. Зар қадрини заргар билар, эй Нарзий, Олтин асл, нархи баланд қўлда ҳам. Бор яхшилар, бор ёмонлар элда ҳам, Учрағайдир дўсту душман йўлда ҳам.

## • Назм чечаклари

### ИШҚ ЙЎЛИДА

Зулфининг дор айла, дилдор, ишқ йўлида, Азиз бошим, жоним инсон ишқ йўлида. Йўлингиз нур, гуллар тўшаб, ниғозорман, Нозик кўнглингиз чертсин дотор ишқ йўлида. Армон билан ўтгим келсам, василинг ўйлаб, Бўйингиз узра бўлай тумор ишқ йўлида. Гулда бўй ҳам, тикан ҳам бор, танлай билгин. Аччиқ тикан бергай озор, ишқ йўлида. Адибдорингиз азия ҳеч, айбон бўлса, Тилинглагани айла ошкор ишқ йўлида. Ашўр тўқиб умид билан Нарзий яшар, Бошга қўнмиш чўққиди қор ишқ йўлида! Нормурод НАРУЗҲОЛAEВ.



• Ҳамкасблар учрашуви ҳаминча кизгин суҳбатлар, фикр алмушувлар, янги режалар билан ўтади. Ўзбекистон халқ артистлари Гайи Аъзамов, Тўлиб Каримов, Тўйчи Ориповлар қизгин суҳбатда эълолиги фикримизнинг далайлидир.

Рустам Шарипов олган сурат.

## • Ихчам тақриз ЮРАК ЗАРБИ...

БАҲОРДА, далалар чаман очилган чоғда қир-адирларга кўзингиза тушадию лол бўлиб қоласиз. Гузаллик уфларгача чўзилиб кетади. Кўзини яшнатади, дилни яшнатади. Яқинда қўлимизга шира Гулбаҳорнинг "Ёввойи ушшоқ" шеърини тўплами ташриф қолди. Аввало китобга қўйилган, ном ўзига тортиди: "Ёввойи ушшоқ". Ҳа, асримизнинг бошида ўтган бетакорр хонанда ва созандалимиз ижросида айтиладиган қатор усулларда ёввойилик — яъни табиий тозалик, тароқ тегиб ва силликланмаган аломатлар бўлиб, у қуй ва кўшиқларнинг номларида ҳам "ёввойи"та ўхшаш сўзлар учрайди. Демак, ушбу китоб сартарош қўлига ҳали тушиб улгурмаган бош, заха етмаган юрак маҳсули бўлса ажаб эмас. Қизикчи пайдо бўлди. Мен бахтга турмушга чиқаман, Улғайи шодикдан бир кунин. Гулбаҳорнинг шеърини мангитик ва манзараси очилди. Шеърлардан шундай табиий ва таъсирли юрак дарди манзараларини ахтара бошладик. Юраги — сир тўла сандиқдир деб ўзини танитган

## БАЙРАМОНА РУҲДА

ТОШКЕНТ Давлат маданият техникуми давлат имтиҳонлари олдида ўзининг анъанавий бўлиб қолган ўқув йили якунларига бағишланган ҳисобот концертини байрамон руҳда ўтказди. Талабалар томонидан тайёрланган шўх-шодон кўшиқлар ва бадий темалардаги сахна асарлари иштирокчиларда катта қизқиш уйғотди. Тадбирга ташриф буюрган С. Раҳимов тумани ҳокими Ҳ. М. Абдураимов, ҳоким муовини Ш. О. Пулатов ва маданият ишлари вазирлиги фан, ўқув юртлари ва кадрларни қайта тайёрлаш бошқармасининг етацичи мутахассиси О. Омонов, истиқболни белгилаш, услубиёт ва ахборот республика марказининг директор ўринбосари Э. Исломовлар тадбирнинг аъло даражада ўтганлигини таъкидлашди, техникум ўқитувчиси ва раҳбариятига ўзларининг миннатдорчиликларини билдирдилар.

— Техникум талабалари туманимизда ўтадиган ҳар бир тадбирда фаол қатнашиб келишадилар, — деди С. Раҳимов тумани ҳокими Ҳотам Абдураимов. — Уларнинг барча ижод намуналарини томоша қилиш кишига завқ бағишлайди. Бугунги ҳисобот концерти ҳам бундан мустасно эмас.

Тадбир сўнида талабаларга Собир Раҳимов тумани ҳокимлигини томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар топширилди.

КОМИЛ Ерматов яратган фильмларни кўплар қатори гоҳ театрларда, гоҳ телевизор экранда томоша қилганимизда ёнимдаги дугоналарим, санъат мухлисларининг ҳаяжонлари сирларини ўрганимоқчи бўлганман. Узим ҳам "Алишер Навоий"даги ёрқин сиймоларини кўриб, унда содир бўлган воқеаларнинг маъзини қақиб, таъсирланиб, кўп ўйлаб қоламан ҳар гал. Бир эсланг-а, 1948 йилда экранга чиққан "Алишер Навоий" бадий фильмининг. Унинг яратилиш тарихининг ўзи бир дунё.

"Абу Али ибн Сино"даги буюк шифокор, қомусий билимга эга бўлган буюк бобокалонимизнинг чеҳраси-чи! Унинг фарёди-чи! Ёдингизда, кутубхонага ўт кетганда олим ўзини ўтга уриб ноёб китобларни қутқармоқчи бўлгани, енгиндан кейин эса қўйиб қўл бўлган китоблар орасида гамгин юртгани, дардини кимга айтишни билмай фарёд чекишини эслайсизми!

"Нодирабегим" даги шонранинг бизга ақин, ёқимли, нури сиймоси ҳеч едимдан кўтарилмайди. С. Исаева — Нодирабегимнинг одим ташлаши, атрофга ўткир нигоҳ ташлаши, ўғлига меҳри, душманга газаб билан боқиши буларнинг барчасида актрисанинг хизмати бор, албатта. Лекин режиссер К. Ерматовнинг маҳорати ҳам, ўткир зеҳни ҳам ҳал қилувчи омил бўлмадимми? Санъаткор таваллуудининг 90 йиллигини нишонланганини эшитдимю, унинг ижоди билан қайта танишишга, у ҳақда янги маълумотлар йиғишга қарор қилдим. Аввало К. Ерматов ваган "Кечмишларим" китобини қайта ўқиб чиқдим. Узбек миллий кинематографиясининг шаклланиш жараёни ҳақида ҳикоя қилувчи хотирларини ўқиб мазза қилдим. Авваллари эътиборимдан негадир четда қолган воқеалар билан

танишдим. Сўнгра Комил ақанинг уйларида бордим. Комил Ерматов билан салкам 50 йил яшаган Татьяна Дмитриевна очик табассум билан кутиб олдилар. Енаридаги йигитнинг исми Алишер экан. Комил ақанинг умр йўлдошлари ҳамда фарзандлари билан бир пйёла чой ўстада суҳбатлашдик.

— Татьяна Дмитриевна, сиз Комил Ерматовични кўпроқ қайси ҳолатда хотирлайсиз? — Комил Ерматовнинг иш устидида ўтирганларини ва суратга олиш жараёнидаги

ҳазил-хузул қилар, совуққонроқ турардилар. Суратга олиш жараёнида эса бу ҳаракатларнинг мутлақо акси бўлар эди. "Осиё устиди бўрон" фильмидаги Юсуф Ялангўшини қаранг.

— Ташқи қиёфаси хушсурат, истараси иссиқ, ўзига ишонган, доимий ижод билан банд К. Ерматов аввало онлада турмуш ўртоғи, ота сифатида қандай инсон эдилар! — Комил Ерматов жуда камтар, камсуқум эдилар... — Дадам овни жудаям яхши

— Ҳа, Алишер. — Бунинг "Алишер Навоий" фильмига алоқаси борми? — Ҳа, албатта. Фильм экранга 1948 йили чиққан. Алишер эса ролпа-роса бир йилдан кейин тугилган. Фильм шарбафига ўғлимизнинг исминини Алишер қўйганман.

Кейин Татьяна Дмитриевна: — Агар хоҳласангиз, мен сизга у кишининг овозлари эзилган магнит тасмани ва ўзлари ёқтирган мусикаларни қўйиб бераман, — дедилар.

Мен бажонидил рози бўлдим. Шу пайт Комил ака рус тилда айнан китоблардаги воқеаларни ҳикоя қила бошладилар. Сўнгра хонанд соҳиб севаган ёқимли мусика савдоси бугун назаримизда муҳлисини эслабди, мунгли таралди. Кейин билишимча, Алишернинг изоҳ беришича, Комил ака охириги йиллари "Кечмишларим" китобларига Татьяна Дмитриевнанинг маслаҳатлари билан аввал кўрган-кечирганларини магнит тасмаларига ёзиб, сўнг қозоғга кўчиртирган эканлар. К. Ерматовнинг она аъзолари билан суҳбатлашди Комил ака ҳақида яна бирмуноча маълумотларга эга бўлдим. К. Ерматовнинг ижодкор сифатида шаклланишлари ҳам қизик бўлган экан. Улар дастлаб

ҳарбий бўлиб, шу ҳарбийликлари баҳона илк бор сахна юзини кўрганлар. Комил Ерматов яратган фильмлари нчада фахр билан "Алишер Навоий" бадий фильмининг "Кейинги шоҳ асарим" деганлар. Ҳалики бир даврининг авлодлари бўлмасин, ҳали ҳануз Телеэкранда ҳалқимизнинг ўлмас дурдоналари "Тоғир ва Зўҳра", "Алишер Навоий" фильмларини бажонидил гурур билан томоша қиладилар.

Махмуд МИРСОАТРВА.

Суратда: "Алишер Навоий" фильмидан лавҳа.

ТИЖОРAT ЖАБРААРИ ВА ЭЪЛОHLAP

ТОШКЕНТ ШАХАР

АБОНЕНТЛАРИ ДИҚАТИГА!

1994 йил 1 июлдан шахарлараро, халқаро ва шахар телефон алоқаси ва радиолангириш хизматлари учун янги тарифлар жорий этилган. Абонентлик ҳақи аҳоли учун бир ойда ташкил қилади: - асосий телефон аппарати учун - 3 сўм; - тугташ ва параллел телефон аппарати учун - 2 сўм 40 тийин.

Тошкент шахар ички ишлар бош бошқармасининг бошланғич тайёрлов милиция мактаби 1971 йилда ташкил қилинган бўлиб, ўтган вақт ичда юртимизга қўллаб тартиб посбонларини етказиб берди. Кейинги пайтларда ушбу мактаб фаолиятида кўплаб ўзгариш ва янгиликлар юз берди.

шахсий йиғма жилди туман ички ишлар бўлимлари, бошқармалари, бўлинмаларда ишловчи нозирлар томонидан тайёрланади. Аммо милиция хўшаматига қабул қилиш тўғрисида бўйруқ тайёрланмайди. Хужжатлар номзодлар билан биргаликда Бош бошқарманинг жанговар ва жисмоний тарбия марказига, шахсий таркиб билан ишловчи нозирларига топширилади.

ишти тартиб, хизматда жалб этиш, шахсий, ижтимоий ва оилавий муаммоларни ҳал этиш тартиб-қоидалари тушунтирилади. Тингловчилар ўқиш жараёнида назарий ва амалий билимини синов услубида қайта ишланган, вазирлик томонидан тасдиқланган ягона дастур асосида, маъруза эшитиш, амалий машғулотларда иштирок этиш тартибда олади. Ягона дастур жамоат тартибни қўриқлаш, жисмоний ва

— Мактабимизга Франция Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал Никола Жил бир гуруҳ ходимлари билан ташриф буюриб, мактаб ҳаёти ва фаолияти, машғулотлар, синфлар билан танишиб, биздаги таълим-тарбия, ўқув дастури ва ўқитиш муддати Франция Республикаси ички ишлар вазири билан танишиб, мактаб деярли яқин ўрнатилган бўлигини алоҳида таъкидлади.

Шу йилнинг март ойда Омск вилояти ички ишлар бошқармасининг бир гуруҳ масъул раҳбар ходимлари, 24 март куни Қозоғистон Республикаси ички

ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Бейсенов бошчилигида бир гуруҳ ходимлар ташриф буюриб, синов услуби билан танишиб, бу услуби маъқуллашди ва бизнинг дастуриймиқни ўзларидега таъкид этиш, ижобий томонларини олиш мақсадида олиб кетишди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг бўйруғи билан ички ишлар идораларида оддий ва кичик бошқарув тартибни ўқитиш мактабларининг намунали низоми тасдиқланди.

Ушбу низомида синов услубида номзодларни милиция хизматига қабул қилиш ва бошланғич тайёрлов мактабларида ўқитиш республикада ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам белгиланган.

Ҳозирги кунда, синов услубида номзодлар саралаш, танлаш, қўриқлардан ўтказиш, суҳбатлар уюштириш тартибларини такомиллаштириш учун, бошланғич тайёрлов милиция мактабидега ўқитиш сифатини ошириш борасида изчиллик билан изланиш, мутахассисларнинг маслаҳатини олиш, масъул раҳбарларнинг кўрсатмаларидан оғишмай фойдаланиш, ўқув дастурини ўзлаштириб бориш йўлида назарий ва амалий ишлар олиб боришмоқда.

Суҳбатни Дилоҳ ИСРОИЛОВ уюштирди. СУРАТДА: Тошкент шахар Ички ишлар бош бошқармасининг бошланғич тайёрлов милиция мактаби ҳаётида наваха.

•Тартиб посбонлари масканида

ЎЗИНИ ОҚЛАГАН СИНОВ

марказда номзодлар алоҳида тузилган ўқитувчилар раҳбар ходимлар ҳаёти томонидан синов кўригидан ўтказилади. Жисмоний кўрикнинг ўрта босқичидан, барча суҳбатлардан ўнг, энг юқори бал тулган номзодлар, тиббий кўриқдан ўтгандан кейин, Бош бошқарма бошлигининг бўйруғи билан, учтасидан бири, милиция идораларининг оддий ва кичик таркиби лавозимига қабул этилганлиги ҳақида бўйруқ чиқарилган кундан бошлаб бошланғич тайёрлов милиция мактабига қабул қилинади.

Ўқиш бошланғич олдидан мактаб раҳбарияти, ўқитувчилар жамоасининг тингловчилар билан учрашуви ташкил этилади. Учрашууда мактаб тарихи билан таништирилади, ўқиш дастури,

жанговар тайёргарлик, ҳуқуқ, одоб, руҳий тайёргарлик, техник воситаларига ўргатишдан иборат. Бўлғуси милиция ходимлари замонавий кўргазмалар ва техник воситалар билан хижозланган синфлар ҳамда махсус хоналарда ўқитилади. Амалий машғулотлар эса шахар, туманлар ички ишлар бўлимлари ва бошқармаларида, хизматда катта таърибга эга бўлган сардорлар ҳамда ходимлар раҳбарлигида ўтказилади.

Қилинган ишларимизнинг ижобий томонларини амалиётга таъкид этиб, 1993 йилнинг 24 декабрда 70 нафар оддий ва кичик бошқарув таркиби, 1994 йилнинг 6 январидан 31 зобитлар синов услубида ўқишга қабул қилинган бўлиб, улар ўқишни шу йилнинг 24

ўтказилган мушоира шуни кўрсатдики, синов танлови натижаси билан ўқишга қабул қилинганлар деярли икки поғона устунлиқ қилишди. Бу ютуқ синов услуби камровини кенгайтиришимизга асос бўлди. Шу йилнинг 25 мартдан бошлаб, иккинчи чоракка 135 нафар тингловчилар ўқишга қабул қилинди. Биринчи чорак даврида ортирган таърибларини кенгайтирган ҳолда, янги қабул этилган тингловчилар ўқиш, тарбияси ва амалий машғулотларини замон талабларига биноан ташкил этиб амалга оширилади.

Улар ҳам ўқишни муваффақиятли ботиришди. — Хорижий давлатлардаги шу хил мактаблар ва МДХ республикалари билан ҳам алоқалар ўрнатилганми?

Зеро, таҳлиллар шуни аён кўрсатдики, муस्ताқиллик шарофати билан кадрлар сифатини яхшилаш, танлаш, саралаш, бошланғич тайёрлов милиция мактабидега ўқитиш самарасини тўғри йўлга қўйиш даври келди.

Милиция ходимининг бугунги куни, эртаси ва унинг келажиги порлоқ, халқчил, Ватанга садоқатли, мард, жасур, ҳалол, шунинг билан бирга жиддий принципал, замон талабига жавоб берадиган даражада бўлиши учун янги услубга ўтиш зарур бўлди.

Хўш, янги услуб моҳияти нималардан иборат?

Илгарилари кадрларни танлаш, саралаш ва милиция хизматига қабул қилиш ҳуқуқи туман ички ишлар бўлимлари, бошқармалари, бўлинма сардорларига берилган эди. Бундан ташқари милиция хизматига кирувчи ҳар бир йигит-қиз аризада қайси лавозим ва хизматга тайинланиши ҳақида сўраб эзарди. Лавозими аввалдан аризада кўрсатиларди.

Эндиликда эса кадрлар танлаш, саралаш, уларнинг дастлабки хужжатлари, яъни



•Шаҳар деҳқон бозорларида ДОИМИЙ ЭЪТИБОР ЗАРУР

МАЪЛУМКИ, яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасида қўрилган, шахар бозорларида савдон ташкил этишни яхшиловчи ва борада солик хизматининг вазибаларни ҳам муҳокам қилинганди. Хўш, бозорларда қандай ўзгаришлар бўляпти? Шун билан мақсадида пойтахтнинг эл катта деҳқон бозорларидан бири Қўйилди йўли олдик.

— Мировот туман давлат солик инспекциясида бугун бозорда 9 киши ишлаётди, — дейди биз билан суҳбатда инспектор Гўлмурод Абилов. — Яна 10 киши туман ички ишлар бўлими ходимлари билан жойларда текширув ўтказишмоқда. Неча бозорда 12 киши ишлаб, 8 та жарима хужжатлари тузанди. Сотишга хужжат йўқ кишилар асосан дорин-дармон, шифо банка қопқоқлари, айрон ва бошқа нарсаларни сотишмоқда. Улардан бир куннинг ўзиде 1 миллион 850 минг сўм-купон давлат фойдасини ундириб олинди. Сотаётган маҳсулотлари мусодарга қилинди.

Мана бугун ҳам 7 та хужжат туздиқ. Масалан, шу бозор атрофида яшовчи Маҳраба Юсупова эссенчал, калъичи лорда, новокан, анализги ва бошқа дорин-дармонларни сотиб турган пайтда ушланди.

— Президентимиз янгилиги ўтказилгандан кейин бозорни тартибга келтириш бўйича бирмунча ишларни амалга оширдик, — дея суҳбатга қўшилди директор Турсунбой Исромов. — Деҳқонларга шартот яратиш бозор ичиде 3 та пост ташкил қилиб, унинг ҳар бирига биттадан жавабгар кишини бириктириб қўйдик. Тартибдан ҳамда аравача

ДАВРИМИЗНИНГ асосий муаммоларидан бири инсон яшаб турган атроф-муҳит, умуман табиатни ҳимоя қилиш бўлиб қолмоқда. Чунки ҳаводаги газлар таркиби тез ўзгариб, ундаги кислород миқдори тобора камайиб борапти. Ер юзидеги 350 миллион автомашина двигателининг енишдан ҳаводига кислород бир ой ичиде бир миллилар одам нафас олиши учун сарфланган кислород миқдорига қиёс қилинганда, бир тонна кўмир эқилганда йил давомида бир одам учун сарфланган кислород ишлаб чиқарилади. Табиғий, табиат буюбери тизликда тиклаб бериш қобилиятига эга эмас.

Шаҳарларда яшил ўсимликларга бўлган эҳтиж кундан-кунга ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам кўккаламзорлаштириш ишларида илмий асослардан фойдаланиб, шахар мейморчилиги, бадий ва эстетик

•Бизнинг яшил дўстларимиз ҲАВО ХИЗМАТЧИЛАРИ

даражасини ҳисобга олиш керак. Кўккаламзорлаштириш илмий асосда ишлаб чиқишда илмий таърибларга текшириб қўрилган маърузалар ўсимлик навлари, ҳар бир минтақа учун табиғий, физик ва шўғрофик шароитларини, антропоген омилларнинг ишлаб чиқарилган, муҳитни ҳимоя қилишдаги ўсимликларнинг моҳияти ҳамда айрим турларини қўйлаштириш ҳисобга олиш лозим. Санаят, қурилиш, завод, фабрикаларнинг Тошкент шаҳрида катта тизликда кенаятиши, аҳолининг эса қўйлаб бориши ободончилик ва кўккаламзорлаштириш ишларини кенг қўламда олиб боришни талаб қилади.

Бир туп дарахтининг ўртача катталиқдаги барғи бир неча киши ҳаёти учун зарур бўлган кислород чиқаради. Бир гектар майдонга эқилган дарахтзор бир соатда 8 килограмм углекислотани ютиб, бир йилда 18 миллион куб метр ҳавони тозалаб беради. Терек бир мавсумда 40, эман дарахти 25, жука дарахти эса 16 килограмм янги газ ютиш қобилиятига эга. Турли дарахт ва буталарнинг ҳавони тозалаш қобилияти турлича бўлади. Олимларнинг ўтказган илмий таъриблари натижаси шуни кўрсатдики, автрада оддий қорқақарайнинг самараси 100 фоиз деб олинса, тилоғоқ 118 фоиз, оддий қарағай 164, йирек барғли жука 254, эман 450 фоизгача фойдали ҳисобланган экан.

Ўсимликларнинг яна бир хусусияти ҳаводан чангсимон зарраларини филтёрлаб олишдир. Аниқлаштиришга, дарахтлар остида ҳаводани чанг эғзи пайтларда 20-36,7 фоизни ташкил этади, яъни очиқ жойдагиқчи нисбатан кам бўлади. Йиллик Усинг дарахти чангнинг ўртача миқдори бир метр оқиқ жойда 0,90 миллиграмм, дарахтлар остида эса 0,52 миллиграмм бўлиб, бу 42,2 фоиз деганидир. Ҳаттоки қиш ойларда, яъни дарахтлар ўз барғиларини тўққан пайтда ҳам улар муҳим ҳўмояний аҳамиятга эга. Декабр ойида ҳаводани чанг миқдори 13,6 фоиз, январда 17,4, февралда 18 фоиз, бошқача айтадиган дарахтлар остида очиқ жойга нисбатан кам бўлади.

Дарахт ва буталарнинг чанги ушлаб қолиш қобилияти бир хил эмас. Бу қобилият ўсимлик барғ сатҳининг туклар билан қопланмиш даражасига, барғнинг силдиқлиги, енишқоқлиги, гадир-будурлиги ва бошқа белгиларига боғлиқ. Епишқоқлик хусусиятига эга бўлган дарахт барғлари (оқ қайин, терек) силдиқ барғларга (сағван, тор терек, оддий терек, липса) қараганда чангин кўпроқ ушлаб қолади. Барғ юзаси гадир-будур бўлиб қайрағоч дарахтида ҳам худди шу хусусият кучли. У теракка нисбатан 6 марта, настирига нисбатан 3, заранга нисбатан 2 баробор кўп чангин ютади.

Шаҳардаги қўйлаб қичқидилар асосан завод, фабрика каби ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек транспортдан чиқди. Шу сабабли ҳам кўпроқ газга чидамли дарахт ва буталарни (қайрағоч, эман, жука, настири ва бошқалар) эқил тавсия қилинади. Илмий текширишлар қараганда шаҳарда юқумли касалликлар тарқатуви бактериялар бошқа жойларга нисбатан 10 марта ва ундай ортиқ миқдорда учрайди. Хиёбонлар ҳавосида бактериялар кўча ҳавосидеги нисбатан камроқ бўлади.

1928 йили профессор Б. Тоқин ўсимликларда учувчи ва учмайдиған махсус моддалар, яъни фитонцидлар борлиги, улар касаллик тарқатуви микрофлорани ўлдириш хусусиятига эга эканлигини аниқлади. Қарағайзордаги 1 куб метр ҳавода 170 бактерия, оқ қайинзорда 1806, аралаш эқилган дарахтзорда 1400, шумуртзорда 1590 бактерия бор экан. Демак, қарағайзорда оққайинзорга нисбатан 10 марта кам фитонцид тарқатган. Маълум бўлишча арча бир кунда 30 грамм, бир гектар майдондаги арчазор эса 30 килограмм эфир мойининг учувчи моддасини ажратди.

Дарахтларнинг яна бир муҳим хусусияти кўш нуруни камайтириши бўлиб Марказий Осиё худуди учун жуда катта аҳамиятга эга. Шу нарса маълумки, кўш нури шаҳарнинг очиқ майдонларига ўртача 0,98 калорияга тўғри келса, дарахт эқилган майдонларда 0,12 калорияга пасаяди. Еш эман дарахтзорда 96,8, қарағайзорда 96, аралаш эқилган дарахтзорда (қарағай, эман, жука ва бошқалар) 97-98, қалин қайинзорда 99 фоиз кўш нуруни ушлаб қолади. Йўллар оралиғидеги 5 метр оралиқда эқилган дарахтлар яшилликни 2 баробор камайтиради.

Шаҳардаги турли шовқинларга қарши курашда дарахт ва буталарнинг аҳамияти жуда каттадир. Шовқин киши асабини бузади, чарчаниш тезлаштирилади ва иш қобилиятини сустайтиради. Бу масала техникаси ривожланган ҳўзирги замонда долзарб муаммо бўлиб қолди. Ўтказилган илмий текширишлар шуни кўрсатдики, бир қатор эқилган дарахт ва буталарда шовқинни ушлаб қолиш қобилияти камроқ булар экан. Шу сабабли ҳам йўл бўйларига ўсимликларни бир неча қаторлаб эқил ишлар билан шовқинни ушлаб қолишга эришиш мумкин.

Ховимжон ОХУНОВ, Тошкент Давлат университети биология факультетининг профессори, Ҳабибулла АЗИМОВ, доцент.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

3-СОН ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

Трамвай ва троллейбус ҳайдовчиларини, кондуктор ва электрик-чилангарларни ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ Агар Сиз трамвай, троллейбус ҳайдовчиси (ўқиш муддати 5-6 ой) касбларини эгаллашни хоҳласангиз депода жойлашган 23-ТБЮда билим олишингиз мумкин. 75.000 сўм-купон стипендия туланади. БИЗДА ИШЛАСАНГИЗ: кондукторлар — 220.000 сўм-купон, трамвай ҳайдовчилари — 350.000 сўм-купон, троллейбус ҳайдовчилари — 430.000 сўм-купон, электрчи-чилангарлар — 370.000 сўм-купонгача иш ҳақи олишингиз мумкин. Трамвай-троллейбусда бепул юришингиз мумкин. Ҳайдовчилар бир йил муҳлатга шахар рўйхати (прописка) билан етоқхонага жойлаштирилади. 3-сон Трамвай-троллейбус депоси ва 23-ТБЮнинг манзили: Темур Малик кўчаси, 3-а уй. 6, 13, 22-грамвайлар; 9,18-троллейбуслар; 17, 71, 83, 96-автобусларда "Чимен" дўкони бекатигача келишингиз ва қуйидаги телефонларга қўнғиқ қилишингиз мумкин: 63-28-97 — ходимлар бўлими, 63-38-93 — 23-ТБЮ.

ХАРИДОРЛАР ДИҚАТИГА!

"Чилонзор" савдо ишлаб чиқариш ҳиссасдорлик жамиятининг тармоқлари аҳолидан чекланмаган миқдорда турли ўлчамдаги шифо идишларини ҚАБУЛ ҚИЛАДИ Шифо идишлар жамияти қарашли қуйидаги савдо тармоқларида харид қилинади: Мухимий кўчасида жойлашган 12-дўконда; Волдоград кўчасидаги 13-дўконда ва 20-дўконнинг салқин ичимликлар бўлимида; 20-мавзедати 14-дўконда; 19-мавзедати 21, 22 ва 22/1-дўконларида; 10-мавзедати 24-дўконнинг салқин ичимликлар бўлимида; Қатортол кўчасидаги 26-дўконда; 7 мавзедати 33-дўконнинг салқин ичимликлар бўлимида; 20-мавзедати 17-дўконда; Маълумотлар учун қуйидаги телефонларга мурожаат этинг: 77-04-68, 77-14-16, 77-86-66. ШИША ИДИШЛАР ТОПШИРИШГА ШОШИЛИНГ!

ҚИДИРИЛМОҚДА

Белгилари: Ўзбек, бўйи 170-175 см-ларда, сочи-қоши қора, қалин, кўзи қора, озгиндан келган, шалпаңқулоқ, алоҳида белгилари йўқ. Аъзам 1994 йилнинг 10 июнь кунин уйдан: оқ йўл-йўл енгиги калта қўйлақда, тўқ кулранг шимла, оёғида эски қора рангли "Зико" тапоқчасида чиқиб кетиб бедарак йўқолган. А. М. Нурмухамедовнинг кейинги тақдирдан оғоҳ бўлганлардан (муқофот эвазига) қуйидаги телефонлар орқали хабар беришингизни сўраймиз: 02; 42-35-01; 42-90-12 уй телефони.

ҚУТЛАЙМИЗ!

ЎРМАТЛИ БОТИР ПУЛАТОВ РАШИДОВ! Сизни тугилган кўнунгиза билан табриклаб, қўлжақ ишларингизда омад тилайман. Ўстунгиза Бостон. ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР Тошкент шаҳар 138-мактаб томонидан Ибодуллаева Фараза номинга берилган 9-синф ҳақидаги А № 098832 рақамли, 11-синф ҳақидаги А № 432376 рақамли йўқолган аттестат, беқор қилинади. \*\*\* 6 сотиқ ер участкасини на-рлага алаштиришдан. Тел. 8-264-51-728 (ишмат). \*\*\* Чирчиқ шаҳридаги 2 қаватли, 4 сотиқ ер бор шиман дава қовли ва Янгибозордаги 7 сотлиқ; Боғи дава қовли сотилади. Тел. 55-76-76, 50-48-15. \*\*\* Тошкент тиббёт олийгоҳи кузурдаги тиббёт билим юрти томонидан Юсупова Фараза Жумабоевна номинга берилган СТ I № 447891 номерин диплом беқор қилинади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимилиги. Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10. Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; ишон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича ~ 36-54-68, 32-56-66. Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва таърифи учун жавобгарлиги уларни берилган шифолиқ ва шаҳар ҳокимилигидир. Натижи етказиб бериш мақса-лади бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефо-нини мурожаат қиланингниқ мумкин. Ҳамжон ~ 2 босма табак. Офсет усулда чоп этилади. Қўроғ бечови - А-2. Газета IBM компьютерда терилади ва сақланади. Нашр кўрсатқичи - 64690. "Шарк" нашрийт-матбоа консуерин босмаҳонаси. Корхона манзили: "Буёқ Тўғрон" кўчаси, 41-уй.